**Юкумли касалликларни келиб чикиши ва кенг таркалишини олдини олиш максадида профилактик дезинфекция**

**хизматларини утказиш буйича**

2022-135-6-89-ХТ-сонли **ШАРТНОМА**

2022 й. «27» 5 Чуст шаҳри

Чуст туман Халк таълими бўлими номидан Низом асосида иш юритувчи бундан сўнг **«Бажарувчи»** деб аталувчи бир томондан унинг раҳбари Қ.Каримов ва иккинчи томонда **Жондор тараққиёти МЧЖ** номидан унинг раҳбари Н.Хайруллаев бундан сўнг **«ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ»** деб аталувчи иккинчи томондан Ўзбекистон Республикаси Аҳолининг санитария эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги Қонуннинг 34 моддасига асосан профилактик дезинфекция тадбирларини ўтказиш мақсадида ушбу шартномани туздилар.

## 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ:

1.1 **«Хизмат курсатувчи»**буюртмага асосан **«Буюртмачи»** ҳудудида мазкур йилнинг шартнома тузилган кунидан 31 декабр кунига қадар профилактик мақсадларда кузатишлар олиб боради ва зарурат бўлганда объектларни зарарланганлик даражасига кўра ўз ишчи кучи ва ўз дезинфекция воситалари ҳисобига профилактик дезинфекция хизматларини ўтказиб беради ва олиб боради.

1.2 **«Буюртмачи»** ўз навбатида **«Хизмат кўрсатувчи»** томонидан бажарилган иш ҳажми учун шартнома билан белгиланган миқдорда хизмат ҳақини тўлашни ўз зиммасига олади.

## 2. ШАРТНОМАНИНГ УМУМИЙ ҚИЙМАТИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

2.1**«Хизмат кўрсатувчи»** умумий қиймати **40 636 800 (Қирк миллион олти юз ўттиз олти минг саккиз юз)сўм** бўлган куйидаги хизматларни йил давомида бажаришни ўз зиммасига олади:

| № | Бажариладиган хизматлар тури | Улчов бир-лиги | Иш хажми | | Бирлик учун нарх (сумда) | Йиллик тўлов миқдори |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Физик майдон | Оператив майдон | | |
| 1 | Дезинфекция хизмати | м2 | 392700 | | 50 | 19635000 |
| 2 | Дезинсекция хизмати | м2 | 3317 | - | 1200 | 3980400 |
| 3 | Дератизатсия хизамати | дона | 773700 | | 22 | 17021400 |
| **Жами:** | | **Х** | **Х** | | **Х** | **40.636 800** |

2,2 Кемирувчиларга карши дератизация хизматларини олиб борилганда объектнинг барча майдонига тўлиқ хизмат кўрсатилиши шарт.

2.3 Бажарилган хизматларнинг ҳажми ва нархи «Хизмат кўрсатувчи» томонидан тақдим этилган ва шартноманинг ажралмас кисми бўлган биринчи сонли спецификатциясида белгиланади.

## 3.ТОМОНЛАРНИНГ ҲУКУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

**3.1 «Хизмат курсатувчи» нинг хукук ва мажбуриятлари.**

Кўриб чиққан юрист: MURODULLAYEV UBAYDULLO XABIBULLO O'G'LI

3.1.1Бажариладиган дезинфекция хизматларини «**Буюртмачи**» билан келишилган график асосида олиб боради.

3.1.2 Дезинфекция хизматларини шартномада белгиланган тартибда ва муддатда амалга оширишни ўз зиммасига олади.

3.1.3 Дезинфекция хизматларининг сифат даражасини ва хизмат кўрсатиладиган объектнинг барча майдонига хамда курилмаларига хизмат кўрсатилишини кафолатлайди.

3.1.4 «**Буюртмачи**»га кўрсатилган хизматлар самарадорлигини оширадиган санитар ва санитар техник тадбирлар ўтказиш бўйича маслахатлар ва таклифлар беради ва бажарилишини талаб қилади.

3.1.5 Дезинфекция хизматларини Ўзбекистон Республикаси Соғликни саклаш вазирлиги томонидан тасдиқланган методик қўлланмалар ва дезинфекция воситалари асосида олиб боради.

**3.2 «Буюртмачи»нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**:

3.2.1 Дезинфекция хизматларини олиб бориш учун «**Хизмат курсатувчи**» га етарли шароит яратиб беради.

3.2.2 «**Буюртмачи**» «**Хизмат курсатувчи**» томонидан тақдим этилган спецификатциясига асосан бажарилган хизматлар ҳаккини қонунда белгиланган тартибда тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3.2.3 Хизматларни олиб боришда катнашадиган ва доимий кабул килиб оладиган масъул шахсни тайинлайди.

3.2.4 «**Хизмат курсатувчи**» томонидан берилган тавсиялар ва маслахатларни бажарилишини таъминлайди.

3.2.5 Кўрсатилган хизматларни 30% ни олдиндан, қолган кисмини 90 кундан кечиктирмай тўлаб беришини кафолатлайди.

3.2.6 Дезинфекция воситалари ва анжомларини сақлаш зарурияти туғилганда шарт шароит яратиб беришни таъминлайди.

3.2.7 Бажариладиган дезинфекция хизматларини график асосида олиб борилишини ва сифатини самарадорлигини талаб килиш ҳуқуқига эга.

## 4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

4.1Мазкур шартномада кўрсатилган хизматлар белгиланган тартибда ва муддатда амалга оширилмаган такдирда "Хизмат кўрсатувчи" "Бюджет ташкилоти"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

4.2."Хизмат кўрсатувчи" томонидан бажарилган ишлар, хизматлар ҳакини ўз вақтида тўламаганлик учун сотиб олувчи (буюртмачи) етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

4.3 Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фукаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

## 5. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ .

5.1 Шартнома муддати давомида форс мажор ҳолатлари, яъни фавкулотда ҳолатлар (табиий офатлар, ёнғин, жамоат тартибсизликлари ) юз берган ҳолларда томонлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан сокит килинадилар .

5.2 Юзага келган форс-мажор ҳолатлари бўйича томонлар бир-бирларини зудлик билан хабардор килишлари шарт.

5.3 Агар бартараф килиб бўлмайдиган куч уч ой узлуксиз давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огохлантириб, шартнома ижросини бекор килишлари мумкин.

## 6. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

6.1 Тарафлар ўртасини ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлик юзага келган барча низолар, келишмовчиликлар тарафлар ўртасида музокара йўли билан хал килинади.

6.2 Агар келишмовчиликларни музокара йўли билан ҳал килиб бўлмаса, улар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда Чуст туманлараро иктисодий суди оркали ҳал килинади.

### 7. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

7.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

7.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил килинган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан хакикий ҳисобланади.

7.3. Ушбу шартномада кўрсатилмаган шартлар «Хўжалик субъектларининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси конунининг тегишли моддалари талабларини ва амалдаги қонунлар талабларини ҳисобга олган ҳолда ўзаро келишувлар оркали амалга оширилади.

7.4. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

7.5 Шартноманинг амал килиш муддати **31.12.2022** йил.

### 8. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ.

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, ҳужжат коди: CK77833113

| | |
|---|---|
| **«ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ»** | **«БУЮРТМАЧИ »** |
| **«Жондор тараккиёти» МЧЖ** | **Чуст туман Халқ таълими бўлими** |
| Манзил: Бухоро вилояти Жондор тумани | Манзили:Чуст ш ,Чарогон кўчаси, 56 уй |
| Тел./факс +99-893-965-30-06 | Тел./факс:869-42-33-960 |
| Банк: АКБ "Капитал юанк" Бухоро фил. | ш.х/в:100022860142377092100075110 |
| Х/р: **20208000700705599001** | Банк Марказий банк Тошкент ХККМ |
| МФО 01082 | МФО 00014 |
| СТИР: **304489242** ОКЭД 86900 | ОКОНХ 97600 СТИР:200111014 |
| | Молия вазирлиги ягона ғазначилиги |
| | (Ғазначилик бўлинмаси номи) |
| | Ғазна х/в: 23402000300100001010 |
| | Банкнинг номи: Тош.ш.Марказ.банк ХККМ |
| | МФО 00014 СТИР:201122919 |
| **Рахбар:** **Ш.Хайруллаев** | **Рахбар:** **Қ.Каримов** |

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, ҳужжат коди: SL1632802403

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

№ CK77833113

1. Loyihaning turi.Shartnoma.

2. Loyihaning nomi.
Haq evaziga xizmat ko'rsatish to'g'risida .

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot.

Shartnoma loyihasi Chust tuman Xalq ta'limi bo'limi tomonidan ishlab chiqilgan va markazga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 2022-yil 25-may kunida kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonunchilik texnikasi va qoidalariga, qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan, loyihada korrupsiyaga sabab bo'luvchi omillar mavjud emas va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti — U.Murodullayev

2022-yil 26-may